

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.01.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

МУХАММАДИЕВА МОҲИНУР ЯХШИБАЕВНА

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.12- Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Мухаммадиева Мохинур Яхшибаевна

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг
ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари..... 3

Мухаммадиева Мохинур Яхшибаевна

Организационно-правовые вопросы повышения роли институтов
гражданского общества в борьбе с коррупцией..... 27

Muxammadieva Mohinur Yaxshibaevna

Organizational and legal issues of enhancing the role of civil society
institutions in the fight against corruption 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.01.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

МУХАММАДИЕВА МОҲИНУР ЯХШИБАЕВНА

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.12- Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Yu522 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хожиев Эркин Тугунович
юридик фанлар номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмоилов Баходир Исламович
юридик фанлар доктори, профессор

Нариманов Бегзод Абдувалиевич
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.I.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 14 март куни соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42. Тел.: (+99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2023 йил 1 март куни тарқатилди.

(2023 йил 28 февралдаги “15”-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

М.А.Аминжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, БМТнинг 2015 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва миллий ва халқаро миқёсда қонун устуворлигини тарғиб қилиш мақсадида, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов масалаларини БМТнинг кун тартибига киритиш тўғрисида”ги Доҳа декларацияси¹ ҳамда 2021 йилдаги “Фавқулодда вазиятлар, инқирозни бошқариш, улардан кейин тикланиш босқичида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида”ги Шарм Ал-Шайх декларациясида² коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштироки, шерикчилик ҳамда жамоат ташаббусларини рағбатлантириш мақсад сифатида белгиланган.

Жаҳонда “Transparency International” халқаро ташкилотининг 180 та давлат ва ҳудудларни давлат секторидаги коррупция даражасига кўра таснифлайдиган Коррупцияни идрок этиш индексига (CPI) кўра, коррупция даражаси бутун дунё бўйлаб турғунлигича қолаётган бўлиб, сўнгги 10 йил ичида мамлакатларнинг 86 фоизида деярли ҳеч қандай ўзгаришлар динамикаси кузатилмаганлиги, глобал ўртача индекс 100 дан 43 ни ташкил этиб, бу кетма-кет ўнинчи йил давомида ўзгармасдан келаётганлиги³, халқаро ҳамжамият ҳам коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтираётгани, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Коррупцияга қарши курашувчи органларнинг глобал оператив тармоғи (GlobE Network) ташкил этилганлиги⁴, коррупцияга қарши курашишнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланиш, хусусан, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан нодавлат ташкилотлар ролини кучайтириш, соҳада ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш, жамоатчилик назоратини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этишга оид илмий тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини англатади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш, коррупцияга қарши курашиш механизмларини самарали таъминлашга алоҳида аҳамият берилиши ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг профилактик чоралардан бири сифатида фуқаролик жамияти институтларини ушбу жараёнга жалб қилиниши натижасида бир қатор ижобий ютуқларга эришилди. Хусусан, “World Justice Project” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан тузилган “Коррупция йўқлиги” индикатори бўйича Ўзбекистон 2022 йилда ўтган йилларга нисбатан 23 поғонага юқорилаб, 139 давлат орасида 66-ўринни

¹ www.unodc.org/documents/congress/Declaration/V1504153_Russian.pdf. ООН, Нью-Йорк, 2015 г., –26 с.

² Конференция государств – участников Конвенции ООН против коррупции. 17 January 2022 Russian Original: English. -94 с. www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/COSP/session9/CAC-COSP-2021-17/V2200116_R.pdf.

³ <https://www.transparency.org/ru/press/2021-corruption-perceptions-index-press-release>.

⁴ <https://uacd.uz/index.php/journal/article/view/31>

эгаллаган бўлса⁵, Open Data Watch халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан эълон қилинган очик маълумотлар инвентаризацияси (Open Data Inventory (ODIN) рейтингда 125 поғонага кўтарилиб, ҳозирда 63 балл билан¹⁸⁷ давлат орасида 44-ўрин ва Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллаб турибди.⁶ Коррупцияни идрок этиш индекси (CPI)да Ўзбекистон 2017 йилда дунёнинг 180 давлати орасида 157-ўринни эгаллаган бўлса, 2023 йилга келиб мамлакатимиз 31 поғонага, яъни 126-ўринга кўтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.⁷ Шу билан бирга, “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”⁸, деган ташаббус асосида демократик ислохотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллиги сезиларли равишда ортмоқда. Бугунги кунда фаолиятдаги 8 933 та нодавлат нотижорат ташкилотларининг 683 таси Адлия вазирлиги, 8 250 таси ҳудудларда рўйхатдан ўтказилган⁹ бўлиб, фаолиятда стратегик ўзгартиришларни амалга оширмаслик оқибатида уларнинг жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олишида муаммолар сақланиб қолмоқда. Бу эса юридик фан олдида коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, бу билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш, унинг илмий ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни ижтимоий воситалар орқали бартараф этишнинг таъсирчан тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси” (Нью-Йорк, 2003), Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги (2018), “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (2017) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2021), “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари, “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2021), қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш

⁵ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global/2021/Absence%20of%20Corruption/>

⁶ Информационно-аналитический журнал «Антикоррупционный дайджест Узбекистана». Том 1 № 1 (2021). <https://uacd.uz/index.php/journal/article/view/9>; <https://opendatawatch.com>.

⁷ <https://www.transparency.org/en/cpi/2023/index/uzb>.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллига бағишланган маросимдаги нутқ. <https://kun.uz>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 12 ойлик фаолият яқунлари бўйича ҳисоботидан.

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (2020) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-марифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзуга бағишланган илмий ишлар коррупцияга қарши курашиш жараёнидаги умумий муаммолар ва масалалар билан бир қаторда таҳлил қилинган ҳамда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятига оид масалалар Ш.Р.Қабилов, Б.И.Исмоилов, Е.В.Коленко, А.С.Турсунов, Г.Агзамова, У.М.Алоев, Ш.Г.Бафаев, З.М.Исломов, З.С.Исраилова, Т.И.Кенжаев, М.З.Қирғизбоев, Б.Латипов, Г.Р.Маликова, О.Т.Хусанов, Т.Б.Матибоев, А.Х.Саидов, Ш.А.Холиқова, А.Бурханов, М.Шарифхўжаев, А.Жалилов, А.Йўлдошев, Б.Бекмурадов, Б.А.Нариманов ва бошқа ҳуқуқшуносларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган.

Хусусан, Б.И.Исмаилов давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларни жавобгарликка тортиш асосларини ўрганган бўлса, Ш.Р.Қабилов томонидан коррупция масаласи асосан иқтисодий ҳодиса сифатида ёритиб берилган.

Е.В.Коленко ва Г.Р.Маликовалар эса, коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий қонунчилик ҳамда коррупция тарихини ретроспектив таҳлил қилган.

Б.А.Наримановнинг илмий ишлари фуқаролик жамияти институтининг фаол кўриниши бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган.

О.Т.Хусанов ва Т.Б.Матибоевлар томонидан коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ёритилган.

Т.М.Резер коррупциянинг кенг тарқалишига коррупцион ҳаракатларнинг кундалик кўринишларига жамиятнинг бағрикенглигини сабаб сифатида кўрсатиб, уни ҳуқуқий ва ахлоқий компонентлар сифатида тадқиқ қилган.

Хорижий мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Н.К.Anheier, I.Amundsen, R.Boesche, Brunetti, O.Dard, R.Dandurand, R.Grote, J.Kocka, R.T.Kroeze, F.Monier, J.E.Engels, M.Fleurbaey, M.Edwards, S.Rose-Ackerman, R.D.Putnam, J.Habermas, S.Huntington, K.Shvab, M.Weber, A.Weder ва бошқалар томонидан илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ давлатларида коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари роли мавзуси Т.М.Резер, И.А.Иманов, Ф.Н.Багаутдинова,

Н.В.Кулик, С.Н.Алексеев, О.Н.Коршунова, Н.В.Ласкина, А.С.Семенов, Е.Г.Князева, О.С.Капинус, Д.М.Плугарларнинг илмий ишларида ёритилган¹⁰.

Бугунги кунда юқоридаги тадқиқотлар, шубҳасиз, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштиришда муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Бироқ мазкур диссертацияда коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг роли мустақил тадқиқот сифатида илк маротаба ўрганилиб, тадқиқотнинг бевосита объекти ва предмети сифатида айнан коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, коррупцияга қарши курашиш жараёнларига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилишни такомиллаштириш йўналишлари комплекс таҳлил қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммолар” мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг родини ошириш бўйича илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини ёритиш;

коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг роли билан боғлиқ халқаро стандартлар талабларини очиқ бериш;

хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб этиш бўйича ижобий тажрибаси ва амалиётини таҳлил қилган ҳолда, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг асосий йўналишлари шаклланишини ёритиш;

фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияни олдини олиш бўйича глобал ва миллий даражадаги ҳамкорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишга оид мавжуд ташкилий-ҳуқуқий асосларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб қилиш, коррупциянинг олдини олиш борасида давлат ва нодавлат органлари

¹⁰ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга оид муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолиятини тартибга солувчи ва белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тадқиқот объекти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар, илмий-назарий қарашлар, амалий муаммолар, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихийлик, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўровнома, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнига *жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил экспертларни кенг жалб қилиш* тартибига оид таклиф ишлаб чиқилган;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичларида, айниқса, ушбу лойиҳаларни қонунчилик ташаббуси субъектига киритиш, муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиш жараёнида *нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши ҳамда қонунчилик ижроси устидан мониторинг олиб бориш механизмларини такомиллаштириш* ҳуқуқий асослантирилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида *кадрларни қўллаб-қувватлаш* ва уларни давлат фуқаролик хизматида тайёрлаш орқали кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш бўйича таклифлар асослаб берилган;

давлат бошқаруви органларида коррупциявий омилларни бартараф қилиш мақсадида қонунчиликка коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида *ваколатли давлат органларига ахборот бериш* ҳамда коррупцияга қарши *краудсорсинг воситаларни қўллашни киритиш* асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятига оид тушунчалар ёритилган ҳамда илмий-назарий тавсиф берилган;

фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги *мақсад ва вазифалари*, шунингдек мавзуга оид ҳуқуқий асослар ёритилган, ушбу жараённи ташкил этиш, масъул субъектлар ваколатларини такомиллаштириш, *коррупцияга қарши курашиш шакллари, усул ва воситаларини такомиллаштириш* каби таклифлар асослантирилган;

коррупцияга қарши аноним маълумот берувчи шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда бу жараённи тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

журналист (блогер ёки ижтимоий тармоқ фаоллари)нинг коррупция ва бошқа ғайриижтимоий ҳолатларни фош этишдаги касбий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёхуд унга нисбатан тазйиқ ўтказишни олдини олиш мақсадида, мазкур ҳуқуқбузарлик учун *маъмурий жавобгарлик белгилаш* таклиф этилган;

коррупцияни олдини олиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни бажариш, давлат ва жамият бошқарувида *фаол иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтлари тоифаси* илмий асосланган;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатаси ва конституциявий мақомга эга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва ижтимоий кенгашини ташкил этиш, унинг фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш механизми ёритилган;

фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига янада кенгроқ жалб этишга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида, “*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида*”ги, “*Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари тўғрисида*”ги қонунлари ҳамда “*Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида*”ги Кодекс ишлаб чиқилиши зарурлиги асослантирилган;

коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш бўйича ҳуқуқий асослар сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб этиш тизимини такомиллаштиришга оид бир қатор қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳукумат ҳамда вазирлик ва идоралар қарорлари талабларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлиliga асосланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар тегишли давлат органлари ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган, ишдаги ахборот базасининг ишончлилиги расмий эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шуки, ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан “Давлат бошқаруви органларида коррупциявий омилларни бартараф қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

ПФ-6181-сон Фармони, 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5263-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, шакллантирилган ҳулоса ва таклифлардан фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, “Коррупцияга қарши курашишдаги долзарб муаммолар”, “Коррупцияга қарши курашиш: умумназарий масалалар” каби модулларни ўқитиш ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ролини оширишга оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5263-сон қарорининг, 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2023 йил 25 январдаги 12/15-20-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнига жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил экспертларни кенг жалб қилиш тартибини белгилашга хизмат қилган;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичларида, айниқса, ушбу лойиҳаларни қонунчилик ташаббуси субъектига киритиш тартибини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон Фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 19 ва 21-бандларини ишлаб чиқишга хизмат қилган (Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 14 декабрдаги 12/21-54-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий дастурлар ишлаб чиқилишида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиши ва уларнинг ижроси устидан мониторинг олиб бориш механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашган;

давлат хизмати кадрлари захирасини шакллантириш мезонларига оид таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини

2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”нинг 4-боб 9-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 14 декабрдаги 12/21-54-сон далолатномаси). Ушбу таклиф нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш ишида самарали қўмаклашган;

давлат органларида коррупциявий омилларни бартараф этишга оид таклифлардан “Давлат бошқаруви органларида коррупциявий омилларни бартараф қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 20 январдаги 03-06/196-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш, коррупцияга қарши краудсорсинг воситаларни қўллашга доир нормаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича **жами 19 та илмий мақола** (7 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 3 таси халқаро журналларда, 7 таси илмий анжуманларда, 2 таси бошқа нашрларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 8 параграфдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Коррупцияга қарши курашиш жараёнларида фуқаролик жамияти институтлари иштироки”** деб номланган биринчи бобида фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашишда иштирок этишнинг назарий асосларининг шаклланиши, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги иштирокининг

ривожланиш тенденциялари ҳамда фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига ҳар томонлама кенг жалб этиш усулларининг такомиллашуви масалалари таҳлил қилинган.

Хусусан, мазкур бобда жамият тушунчаси билан “фуқаролик жамияти” тушунчаси ўртасида нафақат чамбарчас боғлиқлик, балки фарқлар ҳам мавжудлиги ҳақида сўз боради. Фуқаролик жамияти категорияси жамиятнинг тузилиши ва ўз ўзини бошқариш нуқтаи назаридан, сифат жиҳатидан янги ҳолатни ифодалаб, давлат ва шахс манфаатлари муқобиллигида намоён бўлади.

“Фуқаролик жамияти”нинг фалсафий тушунчаси Арастунинг фикрича, давлат бу – фуқаролар жамоаси, яъни фуқаролик жамиятидир. Афлотунга кўра, жамият ҳақида қайғуриш “доно ҳукмдор”нинг вазифаси сифатида белгиланган.

Британиялик олим М.Флорбей таъкидлашича, фуқаролик жамиятига оид қарашлар XVIII аср бошларида европалик файласуфлар асарларида келтирилган. Ўша даврда бу тушунча фуқаролар ўртасида вужудга келадиган ва ижтимоий зарарли бўлган ижтимоий можароларни қоидалар воситасида бартараф этиш учун шакллантирилган муҳим сиёсий бирлашма сифатида тушуниланган.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам фуқаролик жамияти, унинг мақсад ва вазифалари тўғрисида фикр юритишган. Масалан, М.Шарифхўжаев томонидан берилган таърифга кўра, “Фуқаролик жамияти” бу – эркин, демократик, ҳуқуқий цивилизациялашган жамият бўлиб, унда яққаҳоқимлик, валютаризм, синфий адоват, тоталитаризм, одамларга зўравонлик қилишга ўрин йўқ. Бундай жамиятда фақат қонун, ахлоқ, инсонпарварлик, адолат устуворлик қилади.

Бу борада Ф.Отахоновнинг “Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат инсоният томонидан асос солинган давлат ва жамият ҳаётининг энг олий шакллари дир. Фуқаролик жамияти – инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари юксак даражада таъминланган жамият”, – деб берган таърифи бугунги кун ижтимоий сиёсий руҳиятига ҳар томонлама мос келади.

Фуқаролик жамиятининг мураккаблиги шундаки, у хўжалик, иқтисодий, оила-уруғчилик, этник, диний ва ҳуқуқий муносабатлар, ахлоқ, шунингдек шахслар ва ҳокимиятнинг бирламчи субъектлари бўлган партиялар, ижтимоий гуруҳлар ва ҳоказолар ўртасидаги давлат томонидан тартибга солинмайдиган сиёсий муносабатларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти томонидан коррупцияга қарши курашда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи омилларга 1) Икки хил маънони англатувчи қонунлар; 2) Аҳолининг коррупцияга қарши ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги; 3) Фуқароларда давлат органлари фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имконияти йўқлиги; 4) Коррупцион ва умуман жинойтлар ҳақида берилган аноним хабар – мурожаат деб қабул қилинмаслиги; 5) Коррупция фактлари бўйича

журналистик суриштирув таъқибдан ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланмаганлигини киритиш мумкин.

Коррупция фактлари бўйича журналистик суриштирув таъқибдан ҳимояланганлиги даражаси юзасидан нодавлат сектори ходимлари ҳамда прокуратура органларининг 190 нафар ходимлари ўртасида сўров ўтказилганда, уларнинг 90 фоизи журналистлар ва уларнинг журналистик суриштирув фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланмаганлигини билдиришган.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши ҳамда такомиллашувини, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг ролини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш мақсадида, уларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги иштирокининг ривожланишини *тўрт асосий босқичга* бўлиб ўрганиш зарур. *Биринчи босқич* 1991-2000 йиллар, *иккинчи босқич* 2000-2010 йиллар, *учинчи босқич* 2010-2016 йиллар, *тўртинчи босқич* 2016 йилдан бугунги кунга қадар.

Мазкур ривожланиш жараёнларининг айнан тўртинчи босқичида 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни билан қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг институционал асослари шакллантирилиб, коррупцияга қарши курашиш тизими яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш ва бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш бўйича мавжуд ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, таълим тизимини ривожлантириш, маърифий-ахборот ва тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, мунтазам тизимли мониторинг олиб бориш ҳамда халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш йўналишларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашишда иштирокини кучайтириш учун қуйидаги функцияларни кўшиш таклиф этилган: 1) Ижтимоийлашув; 2) Сафарбарлик; 3) Тартибга солиш ва ҳимоя қилиш; 4) Жамоатчилик манфаатларини ифодалаш; 5) Хизмат кўрсатиш; 6) Бошқариш.

Мазкур функциялар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигининг ошишига, коррупциявий ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатнинг шаклланишига, жамоатчилик назорати сифатининг кўтарилишига, миллий менталитетнинг қонунларда акс этишига, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим муаммолари халқ фикри, унинг ирода ва хоҳишлари ҳамда ташаббусига таянган ҳолда ҳал этилишига кўмаклашади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда “Openbudget.uz” ахборот портали орқали давлат бюджети сиёсати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, “халқ ташаббуси” институти жорий этиш, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини оширишга, демократик ислоҳотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини

ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини юксалтиришга, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан маҳаллий вакиллик органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари ўртасида самарали муносабат ўрнатишга хизмат қилади.

Профессор Ш.Р.Қобиловнинг фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш – коррупциявий вазиятни кучсизлантиришнинг муҳим шарти эканлиги ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг энг маъқул йўли бозор муносабатларини такомиллаштиришдир, – деган фикри асосида фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашишга қаратилган қўйидаги жараёнларга жалб этиш лозим:

– давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашиш механизмларига;

– давлат хизматидаги кириш, хизмат ўташ ва муносиб лавозимларга тайинланиш тартибининг шаффоф ва ҳалол бўлишини назорат қилишга;

– давлат хизматчиларининг маъмурий тартиб таомилларга риоя этишлари ҳамда юклатилган вазифаларни холис ва сифатли бажаришларини кузатишга.

Фуқаролик жамиятининг изчил ривожини таъминлаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда аҳоли вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини оширишда янги институт – Жамоатчилик палатасининг устувор аҳамияти кўрсатиб берилган.

Ишнинг **“Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари шаклланиши”** номли иккинчи бобида фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши, ушбу институтларнинг коррупцияни олдини олиш чоралари ва уни амалга ошириш механизмлари ҳамда глобал ва миллий даражада коррупциянинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик масалалари тадқиқ этилган.

Давлат ҳамда фуқаролик жамияти ўртасида самарали ва конструктив мулоқотни ўрнатиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасини ошириш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи нодавлат субъектларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик, хусусан коррупция тенденциясидаги ўзгаришлар бўйича жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш биринчи навбатдаги вазифа эканлиги таҳлил қилинди.

Жамоатчилик назорати институти фаолиятини бугунги тезкор замон талаблари даражасида ташкил этиш бўйича ҳали амалга оширилиши лозим бўлган муаммоли масалалар борлиги кўрсатилиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш

субъектлари бўлган нодавлат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим деган хулоса илгари сурилди.

Коррупцияни олдини олиш соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шерикчилигининг муҳим шаклларида бири давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати қонунчиликка мувофиқ, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашувчи фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни ҳимоя қилиш ва давлат билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш шакли юзасидан нодавлат сектори ҳамда прокуратура органларининг 190 нафар ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда, уларнинг 75 фоизи *нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органи вакилларида иборат Кенгаш* шаклида бўлишини билдиришган.

Фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерларни жалб қилган ҳолда сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, “*жамоатчилик эшитиши*”, “*жамоатчилик экспертизаси*”, “*жамоатчилик мониторинги*” каби жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари кўллашни таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролик жамияти институтларини фаолиятини тартибга солиш борасидаги муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасида барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари унификация қилиниб, *Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси* қабул қилиниши зарурлиги асосланган. Мазкур кодексида фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш усуллари, шунингдек ташкил этиш, рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини олиб бориш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари белгиланиши лозим.

Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб қилишнинг ҳуқуқий асосларини *тўрт тоифадаги нормалари* конституциявий, тўғридан тўғри қонунчилик нормалари, тегишли қонуности актлари ҳамда халқаро ҳужжатлар нормалари ташкил этади.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари томонидан олдини олиш чоралари аввало – жамоатчилик олдида ҳисобот бериш ва ошкоралик эканлигидан келиб чиқсак, фуқаролик жамияти институтларининг коррупциявий омилларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказиши аксилкоррупциявий фаолиятнинг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Transparency International халқаро нодавлат ташкилотининг Аксилкоррупциявий тадқиқотлар тармоғи (ACRN) мутахассислари R.T.Kroeze O.Kerkhoff томонидан фуқаролик жамияти институтлари

аҳолининг коррупциянинг салбий оқибатлари, унга қарши курашиш, мазкур соҳада қонунчилик талаблари, илғор хорижий давлатлар ижобий тажрибаси, коррупциявий ҳолатларни аниқлаш, оқибатлари билан курашиш ҳамда уларни олдини олиш тўғрисида хабардорликни ошириш, коррупцияга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва турли тоифадаги қатламлар вакиллари йўқитиш жараёнларига жалб қилиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Бизнинг фикримизча, БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш” конвенцияси 13-моддасига асосан, фуқаролик жамияти институтлари амалий тадқиқотлар ва вазиятни таҳлил қилиш, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, коррупцияга қарши сиёсат ҳамда қонунларни қўллаб-қувватлаш орқали коррупцияга қарши ташаббусларга ҳисса қўшиши мумкин.

Давлат органлари ҳузурида тузилган коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини янада юксалтириш учун мазкур кенгашлар аъзолигига нодавлат ноижорат ташкилотлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерларни ҳам киритиш жамоатчилик назоратини амалга оширишда ижобий натижа бериши эътироф этилган.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияни олдини олишда таълимнинг аҳамияти қуйидагича таҳлил қилинди:

1. Коррупцияга қарши таълим фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда манфаатдор томонлар ўртасида фикр алмашишни осонлаштиради, уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот беради;

2. Коррупцияга қарши курашда ишончни кучайтириш учун фуқаролик жамияти институтлари *талабалар омбудсмани* лавозими таъсис этилишини тарғиб қилиши ёки шикоят каналини яратиши мумкин.

3. Жамоатчилик фикри таълим хизматларини янада мослашувчан ва ҳисобдор бўлишига ёрдам берадиган кучли восита бўлиши мумкин.

Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияни олдини олишдаги муҳим чораларидан бири бу – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан аксилкоррупция экспертизасини ўтказиш ҳисобланиши муаллиф томонидан кўрсатиб берилди.

Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишнинг яна бир усули коррупцияга қарши тарғибот ва ташвиқот олиб боришдир.

Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияни олдини олиш механизмлари – давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўзаро ҳамкорликда аксилкоррупциявий фаолиятни мақсадли комиссия, қўмита, форум, маслаҳатлашув кенгашлари томонидан коррупцияни олдини олиш, унга қарши тизимли курашиш, салбий оқибатларни бартараф этишга қаратилган чораларни амалга оширувчи воситалар мажмуаси эканлиги асослантилган.

Умумжаҳон даражада фуқаролик жамияти институтлари коррупцияни олдини олиш борасидаги ҳамкорлик бир нечта асосий йўналишларда амалга оширилишини эътироф этиш мумкин. Уларнинг асосий турларига коррупцияга қарши курашиш борасида илғор ва самарали тажриба алмашиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этган мансабдор шахсларни аниқлаш ва уларнинг қонунга ҳилоф фаолиятини фож этиш, коррупциявий йўллар билан топилган маблағларни топиш ва тегишлигича давлатларга қайтариш, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, аксилкоррупция фаолиятини амалга ошириш, коррупцияга қарши фаолиятга давлат органлари хизматчилари, аҳолининг турли қатламларини жалб этиш, норматив ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш, аҳолининг коррупцияга қарши билимларини ошириш, давлат хизматчиларида коррупцияга қарши тоқатсизлик руҳини шакллантириш, аксилкоррупция ташаббусларини ташкил этиш кабилар киреди.

Давлат, ҳудуд, соҳа миқёсида ҳуқуқ устуворлигининг таъминланиши кўрсаткичида фуқаролик жамияти институтларининг мазкур фаолиятга жалб этилганлик даражасини асосий индикатор сифатида белгилаш зарур.

Тадқиқотнинг **“Фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб қилиш тизимини такомиллаштириш”** номли учинчи бобида фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб этиш бўйича хорижий тажриба ҳамда коррупцияга қарши курашиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари иштирокини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб этиш барча давлатлар амалиётида қўлланилиши таъкидланади. Хориж давлатлари қонунларида аллақачон коррупциянинг олдини олиш функциялари жамоатчилик тузилмалари зиммасига юкланган.

Австрия, Франция, Италия, Испания каби давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, давлат бошқарувида, хусусий секторда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг аралашини чеклаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, аксилкоррупциявий ташаббусларни илгари суриш мақсадида, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро самарали мулоқот қилишида махсус тузилма сифатида конституциявий мақомга эга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашини ташкил этиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси тажрибасидан келиб чиқиб, “Жамоатчилик кенгашлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш лозим.

Мазкур қонунда коррупцияга қарши давлат дастурлари, стратегия ва концепциялар тўлақонли бажарилишини кузатиш ваколатига эга Республика Ташқи махсус таҳлил мониторинг гуруҳи ҳамда жойларда Коррупцияга қарши Махсус мониторинг гуруҳлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири фуқаролик жамияти институтларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишдаги иштирокини мунтазам равишда таъминлашдир.

Ривожланган хорижий демократик давлатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби парламент томонидан регламент ёки йўриқномада белгилаб қўйилган.

Бу турдаги экспертизалар коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус идоралар томонидан ҳам амалга оширилади (Литвада Махсус тергов хизмати, Латвияда Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши кураш бюроси).

Шунингдек, глобал миқёсда *коррупцияга қарши краудсорсинг платформаси яратиб* (К Monitor – Венгрия коррупцияга қарши краудсорсинг платформаси; SeeClickFix – АҚШда жамоатчилик назорати; I Paid a Bribe Kenya – Кенияда коррупция ҳақида хабарлар; CCDI – Хитойда коррупцияга оид видео далилларни юклаш имконини берувчи дастур), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини *экспертизадан ўтказиш* фуқаролик жамияти институтлари имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириши таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар сифатида ҳозирда тайёрланаётган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий экспертизани ўтказиш тартибини белгилаш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармонида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш бўйича *“коррупция фактлари ҳақида аноним хабарларни ўрганиш имкониятлари”*ни яратиш белгиланган.

Прокуратура органларига 2018-2022 йилларда жиноятга, жумладан коррупцияга оид маълумотлар бўлган 1702 та (2018 й.–285, 2019 й.–189, 2020 й.–347, 2021 й.–487, 2022 й.–394) аноним мурожаатлар келиб тушганлиги¹¹ ва уларнинг йилдан йилга ошиб бораётганлиги, бундай мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришни тақозо этади.

Қонунчилигимизда бундай мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда аниқланган қонунбузилишларга нисбатан чоралар кўриш тартибига доир ҳуқуқий асослар яратилмаганлиги жиноятларни ўз вақтида фош этиш имконини бермайди. Хусусан, Германияда коррупцияга оид ёки бошқа жиноятлар ҳақидаги аноним хабарлар текширилиб, натижаси бўйича жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

¹¹ Бош прокуратура 24-бошқармасининг 2018-2022 йиллардаги фаолиятига оид умумлаштиришидан олинди.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам коррупцияга оид жиноятлар ҳақида аноним хабар бериш бўйича мавжуд халқаро тажрибаларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммоли ҳолатларни инобатда олган ҳолда бу каби тизимнинг муқобил варианты ишлаб чиқиш зарур.

Коррупцион жиноятлар ҳақида аноним хабар бериш бўйича халқаро стандартларни инобатга олиб, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасини аноним мурожаатлар коррупциявий ҳолатлар содир этилиши ёки тайёрланиши тўғрисида бўлса, унда келтирилган маълумотлар ўрганиб чиқилиши, маълумот тасдиқланиши билан ушбу маълумот коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органга зудлик билан юборилишига оид мазмундаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади.

Юқоридагиларга асосланиб, аноним мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ЖПКнинг 323-моддасини оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳамда коррупциявий ҳолатлар тўғрисидаги аноним мурожаатлар ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилиши ва асосли бўлганида жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлишига оид янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади.

Швеция, Сингапур, Гонконг, Португалия, Германия каби давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда муҳим ўрин эгаллайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

І. Илмий-назарий хулосалар

